

Қўшнига озор бермаслик | Сийрат дарслари (357-дарс)



19:00 / 12.12.2025 718

805. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ажали етмаган бир беморни кўргани борганда унинг олдида етти марта: «Асъалуллоҳал азийм, Роббал аршил азийм ан юшфияка», деса, Аллоҳ унга ўша хасталикдан офият беради»,** дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

806. Бир киши розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга мингашиб олган эдим. Шунда у зотнинг уловлари қоқилиб кетди ва мен: **«Шайтон ноумид бўлди!»** дедим. Шунда у зот: **«Шайтон ноумид бўлди», дема. Агар сен шундай десанг, у катталашиб, уйдек бўлиб кетади ва: «Бу менинг қувватим билан бўлди», дейди. Балки: «Бисмиллаҳи», дегин. Агар сен шундай десанг, у кичкиналашиб, пашшадек бўлиб қолади»,** дедилар».

Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилишган.

807. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менга Жаброил қўшнига яхшилик ҳақида шунча кўп тавсия қилдики, ҳатто уни меросхўрим қилиб қўйса керак, деб ўйладим»**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

808. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмас! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмас! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмас!»** дедилар. «Ким, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. **«Қўшниси (унинг) ёмонликларидан омонда бўлмаган киши»**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

809. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин»**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

810. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳой Абу Зарр! Қачон шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ қилгин-да, қўшниларингга ҳам бергин»**», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

811. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менинг иккита қўшним бор. Улардан қай бирига ҳадя қилай?» дедим. **«Сенга эшиги яқинига»**», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

812. Абдуллоҳ ибн Аббос ва Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Зарар етказиш ҳам, зарарга зарар қайтариш ҳам йўқ».**

Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

813. Абу Айюб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмоннинг ўз биродари билан уч кечадан ортиқ аразлашиши ҳалол эмас. Иккови учрашиб қолса, бири у ёққа, бири бу ёққа қараб, тескари бўлади. Икковидан яхшиси биринчи салом берганидир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

814. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Душанба ва пайшанба кунлари амаллар арз қилинади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла ўша кунда Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган ҳар бир бандани мағфират қилади. Фақат биродари билан орасида душманлик бор кишигина бундан мустасно. Шунда: «Иккисини ораларини ислоҳ қилишгунча кутиб тулинг. Иккисини ораларини ислоҳ қилишгунча кутиб тулинг»**, дейилади», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.